



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI HUZURIDAGI
QISHLOQ XO'JALIGI EKLNLARI NAVLARINI SINASH MARKAZI

100142, Toshkent shahar M.Ulug'bek tumani, Buyuk Ipak Yo'li ko'chasi, 374-uy, (998-71) 261-43-26
Ishonch telefoni: (998-71) 261-43-26, el.manzil: eknaysinash@agro.uz

2021. 10. 21

№ 7-6/01-05-583

Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ хўжалиги вазирлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247 Фармонининг 1-иловаси 29-бандида “Давлат органлари ва ташкилотлари хузуридаги Жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар”ни хар чоракда расмий веб-саҳифаларида эълон қилиб бориш вазифаси топширилган.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузурида жамоатчилик кенгashi томонидан ўтказилган кун тартибида масалаларга доир йиғилиш баённомасини иловада юбормоқдамиз.

Илова: _____ варақда.

Жамоат кенгashi
раиси ўринбосари

Ш. Нурматов

“ТАСДИКЛАЙМАН”
 Ўзбекистон Республикаси Кишлек хўжалиги
 вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик
 кенгаши раиси ўринбосари

Ш. Нурматов Ш. Нурматов
 “ ” январ 2021 йил

Ўзбекистон Республикаси Кишлек хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2021 йил учун
РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ТАДБИРЛАРИ

№	Амалга ошириладиган тадбирлар мазмуни	Ижро муддати	Бажарилими учун масъуллар
1	2	3	4
1.	Жамоатчилик кенгашининг 2021 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чикиш ва устувор вазифаларни белгилаш.	1-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Ахмеджанова, Д.Хусаинов, О.Мансуров, М.Тошиболтаев
2.	Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг “Республика худудлари иссиқхона хўжаликлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор лойиҳасини кўриб чикиш ва таклиф тайёрлаш.	1-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, Д.Хусаинов, Ч.Латипов, Т.Долиев, М.Тошиболтаев
3.	Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг “Агросаноат кластерлари макоми ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги Қарор лойиҳасини кўриб чикиш ва таклиф тайёрлаш.	1-чоракда	Ш.Нурматов, А.Ахмеджанова, Д.Хусаинов, О.Мансуров, Ч.Латипов, М.Тошиболтаев
4.	Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим карорларига йўзгаришиш ва кўпимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Дехкон хўжалиги тўғрисида” 2021 йил	2-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Шамсiev, О.Мансуров, М.Тошиболтаев

	1 апрелдаги йўрк-680-сон ва “Томорқа хўжалиги тўғрисида” лойихаларини кўриб чикиш ва тақлиф тайёрлаш.		
5.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кишлек хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза килиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора- тадбирлар тўғрисида”даги Карор лойихасини кўриб чикиш ва тақлиф тайёрлаш.	2-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Аҳмаджанова, Д.Хусайнов, О.Мансуров, Ч.Латипов, М.Тошболтаев
6.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини тавминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон лойихасини кўриб чикиш ва тақлиф тайёрлаш.	2-чоракда	Ш.Нурматов, Д.Хусайнов, О.Мансуров, Ч.Латипов, Т.Долиев, М.Тошболтаев
7.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кишлек хўжалиги соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан кўшимча чора-тадбирлар белгилашни муҳокама этиш.	3-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Аҳмаджанова, Д.Хусайнов, Т.Долиев, А.Шамсiev
8.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кишлек хўжалиги экинлари навларини синаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ти Карори лойихасини кўриб чикиш ва тақлиф тайёрлаш.	3-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, О.Мансуров, Ч.Латипов, Т.Долиев, М.Тошболтаев
9.	Кишлек хўжалиги вазирлигига Давлат Раҳбари томонидай вазирликка юқлатилган вазифалар ижросининг холати, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни бажарилишини ўз муддатларида ва сифатли ташкил этиш ва тавминлаш билан боғлик кўшимча чора-тадбирлар белгилашни муҳокама этиш.	3-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Аҳмаджанова, Д.Хусайнов, М.Тошболтаев

10.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг “Бузилган ерларни рекультивация қилиш, тулпроқнинг унумдор катламини саклаш ва ундан оқилона фойдаланишин ташкил этиш тўғрисида”ги Қарор лойихасини кўриб чикиш ва таклиф тайёрлаш.	4-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, О.Мансуров, Ч.Латипов, Т.Долиев, М.Тошиболтаев
11.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг “2022 йил хосили учун кузги бошоқти дон экинларини навлар бўйича жойлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор лойихасини кўриб чикиш ва таклиф тайёрлаш.	4-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Ахмеджанова, Д.Хусайнов, Т.Долиев, М.Тошиболтаев
12.	Жамоатчилик кенгаши томонидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида маълумотларни таҳчили қилиш ва тегишли юқори турувчи органларга тақдим килиш.	4-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Шамсиеv, Ч.Латипов, Т.Долиев, М.Тошиболтаев
13.	Жамоатчилик кенгашининг 2022 йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чикиш ва устувор вазифаларни белгилаш.	4-чоракда	Ш.Нурматов, Т.Бозоров, А.Ахмеджанова, Д.Хусайнов

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Жамоатчилик Кенгаши йиғилиш
БАЁНИ

Тошкент вилояти

№ 2

2021 йил “ ” октябр

Йиғилишга раислик қилди:

Ш.Н. Нурматов – *Кенгаши раиси ўринбосари*
П. Ибрагимов – *Кенгаши котиби*

Иштирок этдилар:

Аъзолари: Т.Д. Долиев, Ч.Т. Латипов,
Т.Ш. Бозоров, А. Мансуров, А.К. Ахмеджанова,
М.Т. Тошболтаев, Д.К.Хусаинов.

Таклиф этилганлар:

Ходимлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи
У.Сайдова, Юридик бошқарма бошлиғи Б.Хусенов,
Ташкилий-назорат бошқармаси бошлиғи
М.Толибов, Аграр тадбиркорликни
ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
О. Ташпўлатов, Қишлоқ хўжалигини давлат
томонидан қўллаб-куватлаш, молиявий ва
шартномавий муносабатларни ривожлантириш
бош бошқармаси бошлиғи Д.Маматқулов.

КУН ТАРТИБИ:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқарув тизимини таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилашини муҳокама этиши.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаши тизимини таомиллаштириши тўғрисида”ги Қарори лойиҳасини кўриб чиқиши ва таклиф тайёрлаши.*
3. *Қишлоқ хўжалиги вазирлигида Давлат Раҳбари томонидан вазирликка юклатилган вазифалар ижросининг холати, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни бажарилишини ўз муддатларида ва сифатли ташкил этиши ва таъминлаши билан бөглиқ қўшимча чора-тадбирлар белгилашини муҳокама этиши.*

Йиғилишни Жамоатчилик Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Нурматов кириш сўзи билан очди. Кун тартибига қўйилган масалалар, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқарув тизимини таомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли Фармони белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгилашини муҳокама ҳақидаги масалаларнинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш бўйича йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Кун тартибидаги 1 масала юзасидан Юридик бошқармаси мутахассиси Д.Хусайнов ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4292-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг тегишли бошқармалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мазкур қарор билан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши, жумладан, вазифаси, тузилмаси, хуқук ва мажбуриятлари бўйича мувофиқлаштирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5006-сон Қарори тасдиқланиб, ерга оид хукуқбузарликларни аниқлаш, хужжатлар тўпламини шакллантириш ва уларни кўриб чиқиши мониторингини юритиш бўйича “E-YER NAZORAT” автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолатини, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехник тадбирларни учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш мақсадида учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш ва уларни тўловсиз учиринши амалга ошириш, Кадастр агентлигининг «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий-лойиҳалаш институти ва унинг худудий бўлинмалари штат бирликлари ҳамда моддий-техника базаси, Институтнинг худудий бўлинмалари балансида турган бино-иншоотлар 2021 йил 1 марта бошлаб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказиш, аграр соҳани жадал ракамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосари лавозими киритиш, Аграр соҳада ракамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси ташкил қилиш каби бир қанча устивор вазифалар белгилаб берилганлигини айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси қайта тасдиқлаш чоралари кўрилганлигини таъкидлаб ўтди.

Фаллачилик бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Мансуров ахбороти тингланди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ортиқ қисми яшаётган қишлоқларнинг фаровонлик даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётганлигини айтиб ўтди. Шу муносабат билан сўнгти йилларда қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимида институционал ислоҳотлар амалга оширилгани, пахта хом ашёси ва бошокли дон маҳсулотларини давлат томонидан кафолатланган харид нархларини сезиларли

даражада кўпайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги оширилганини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер модели кенг жорий этилаётганлиги, натижада охирги йилларда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этаётганлиги, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўллаб-куватлашда самарали бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги тармоқнинг ракобатбардошлигини ошириш имконини бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди

Бунинг учун қишлоқ хўжалигини давлат томонидан бошқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишларини белгилашни тақозо этганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бунда, Қишлоқ хўжалиги соҳасини рақамлаштириш, соҳага замонавий ахборот телекоммуникация техникаларини жорий этиш, бозор тамойилларини жорий этиш, илгор тажриба, фан ютуқларини, замонавий ресурс тежовчи интенсив агротехнологияларни жорий этиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш энг муҳим вазифа сифатида каралиши таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, сотишда замонавий кооперация муносабатларини кенгайтириш, кўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги айтилди.

Шунингдек, инвестиция лойиҳаларни жалб қилиш ва амалга ошириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш, экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашиш жараёнида давлат томонидан кўллаб-куватлаш чораларини кўриш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва парваришлар мониторингини юритиши, тупроқ бонитировкаси, ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқшунослик геobotаникага оид илмий тадқиқотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлашни ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги уруғликларини тайёрлаш, маҳаллий ва селекция навларини ҳамда биотехнологик навларни бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш ва ривожлантириш, таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизимини интеграциялаш, соҳага кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, агрокимё, ўсимликларни ҳимоя қилиш, тупроқни муҳофаза қилиш чоратадбирларини амалга ошириш, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини ракобатбардошлигини ошириш ва уларни диверсификация қилиш, шунингдек, чет эл инвестициялар оқимини таъсирини таҳлил қилиш, прогнозлаш ва бу борада тегишли таклифларни ишлаб чиқиш, импорт ҳажмини камайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни самарали давлат назоратини

амалга ошириш бўйича тегишли чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳасидаги бир қанча ташкилотлар қайта ташкил этилиб, вазирлик ихтиёрига ўтказилганлиги айтиб ўтилди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ўсимликларни химоя қилиш, уларни минерал ўғитлар билан таъминлаш, саклаш, сотиш бўйича мутасадди ташкилот ва идораларга тегишли тартибда топширилганлиги келтириб ўтилди.

Шунингдек, кун тартибидаги масала юзасидан Т.Д. Долиев, Ч.Т. Латипов, М.Толибовлар сўзга чиқиб ўз таклифларини билдиришди.

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ш.Нурматов қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тизимидағи барча ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисида маълумотлар доимий ўрганилиб бориши, шунингдек, юкорида белгилаб ўтилган масалаларга глобал иқлим ўзгариш жараёнларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, уларни келгусида ишлаб чиқариладиган Ҳукумат қарор лойиҳаларида акс эттириш лозимлиги тўғрисида таклифлар киритди.

Йигилиш қарор қилади:

1. Мазкур Фармон билан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан берилган ахборотлар маъқуллансин.
2. Жамоат Кенгаши аъзолари томонидан тақдим этилган таклифлар келгусида ишлаб чиқариладиган Ҳукумат қарор лойиҳаларида акс эттириш вазирлик раҳбариятидан сўралсин.

Йигилишни Жамоатчилик Кенгashi раиси ўринбосари Ш.Нурматов кириши сўзи билан очди. Кун тартибига қўйилган масалалар, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги, унинг аҳамияти юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш бўйича йигилиш иштирокчиларини таништириди.

Кун тартибидаги 2-масала юзасидан Жамоатчилик Кенгashi раиси ўринбосари Ш.Нурматов ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари навалрини синаш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2020 йил 13 майдаги 282-сон қарорига мувофиқ шу билан бирга жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган замонавий синаш усуслари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари навларини хўжалик учун фойдали белги ва хусусиятлари учун синаш ишларини ташкил этиш ҳамда республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрини юритишини хуқукий тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 158-сонли Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги

айтилди.

Бунда, республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламенти тасдиқланганлиги келтириб ўтилди.

Мазкур Қарорнинг афзаллик нуқтаи назаридан кўрилганда айни пайтгача давлат реестрини юритиш тўлиқ тартибга солинмаган эди. Шу билан бирга, кўрсатиладиган хизмат турлари бугунги кунга қадар бепул амалга оширилаётганлиги, қишлоқ хўжалиги экинлари навлари ва дурагайлари давлат реестрига киритилиши билан ўз ҳукмига ташлаб қўйилганлик ҳолатлари кузатилганлиги ва давлат реестрини юритишда молиявий манбааларнинг тўлиқ тартибга солинмаганлиги марказ томонидан амалга оширилаётган вазифаларини тўлақонлик бажарилишида тўсқинлик бўлаётганлиги ва мазкур қарор билан келтириб ўтилган камчиликлар хуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Қарор билан Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига қишлоқ хўжалиги экинлари навлари (дурагайлари)ни синаш учун ажратилган тажриба ер майдонлари мақбуллаштирилмаслиги, шунингдек ер майдонларида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш марказ томонидан тузилган тақсимотнома бўйича мустақил жойлаштириш ва алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш бўйича вазифалар аниқ белгилаб ўтилганлиги таъкидланди.

Хусусан, марказ ва унинг тизимидағи нав синаш станция ва участкаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш билан боғлиқ ҳаражатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги модернизация қилиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4803-сон Қарори доирасида амалга оширилиши белгиланди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунга қадар Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказини такомиллаштиришга доир ҳеч қандай Ҳукумат карорлари чиқмаган бўлиб, 2020-2021-йиллар мобайнида марказнинг фаолиятида туб ўзгаришларни амалга оширишга катта замин бўлди.

Бунинг натижасида марказнинг вазифа ва функциялари мустаҳкамланганлиги, марказ фаолиятини юритишнинг молиявий манбалари тўлиқ белгилаб берилганлиги, коррупция, таъмагирликни олдини олиш, синов жараёнларини янада такомиллаштириш, уларнинг минерал ўғит, ўсимликларни химоя қилишга қаратилган кимёвий воситаларни тадбик қилиш ва агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли таъминлаш мақсадида пуллик хизмат йўлга қўйилганлиги, давлат тилига эътибор йил сайин кучаяётганлигини инобатга олиб марказнинг барча методик услубий қўлланмаларини давлат тилига таржима қилинишига имконият яратиб берилганлиги, ўрмон хўжалиги ўсимликлари турларини ягона қишлоқ хўжалиги давлат реестрида юритилиши таъминланганлиги, мавжуд лабораторияларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш учун кўшича давлат бюджетидан пул маблағ ажратилишига имконият яратилганлиги, шу билан биргаликда хорижий ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий гранд маблағларини жалб этиш, соҳага малакали

мутахассисларни жалб этиш, марказ мутахассисларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилганлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга 2021 йилда йўллаган Мурожаатномасига биноан илм-фан, илгор технологиялар, реөурс тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришга интеграциясига алоҳида эътибор қаратганлиги, селекция ва уруғчилик соҳаларини ривожлантиришга доир бир қатор йўналишлар тақдим этганликлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кўламини ошириш, ердан самарали фойдаланишга доир йўналишларни келтириб ўтганликлари айтиб ўтилди.

Шунингдек, кун тартибидаги масала юзасидан А.Шамсиев, А.Ахмеджанова, М.Тошболтаев ва М.Толибовлар сўзга чиқиб ўз таклифларини билдиришди.

Техника фанлари доктори, профессор М.Тошболтаев Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази фаолиятини такомиллаштиришга доир норматив хукукий хужжатлар тасдиқланмаганлиги ва охирги йилларда Хукумат томонидан кенг эътибор қаратилаётганлиги шу билан бирга, келгусида барча қишлоқ хўжалиги экинлари навларини давлат синовини амалга оширишга доир норматив хукукий хужжатлар ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш қарор қилади:

3. Ушбу қарор лойиҳаси матни қайта кўриб чиқилгандан сўнг, маъқуллансин.

4. Жамоат Кенгаши аъзолари томонидан тақдим этилган таклифлар келгусида ишлаб чиқариладиган Конун ва Қарор лойиҳаларида акс эттириш вазирлик раҳбариятидан сўралсин.

Йиғилишни Жамоатчилик Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Нурматов кириш сўзи билан очди. Кун тартибига қўйилган масалалар, яъни қишлоқ хўжалиги вазирлигига Давлат Раҳбари томонидан вазирликка юклатилган вазифалар ижросининг холати, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни бажарилишини ўз муддатларида ва сифатли ташкил этиш ва таъминлаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар белгилашни муҳока этиш, унинг аҳамияти юзасидан алоҳида тўхталиб ўтди. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама килиш бўйича йиғилиш иштирокчиларини таништириди.

Кун тартибидаги З масала юзасидан Ташкилий-назорат бошкармаси бошлиги М. Толибов ахбороти тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 апрелдаги ПҚ-5064-сон қарори билан вазир ўринбосари - Озиқ-овкат саноатини ривожлантириш бош бошкармаси бошлиги лавозимига янги тайинланган Анвар Дамирович Асамов вазирлик жамоасига таништирилганлиги, ўзи раҳбарлигидаги Озиқ-овкат саноатини ривожлантириш масалалари мажмуаси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифаларга тўхталиб ўтилганлиги айтиб ўтилди. Жорий йил 17 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов

раислигига “Мамлакатда коронавирус пандемиясининг янги тўлкини кенг тарқалиб кетишининг олдини олиш юзасидан карантин чораларини янада кучайтириш билан боғлик вазифалар тўғрисида” ўтказилган мажлисда берилган топшириклар мажлис иштирокчиларига етказилди.

Давлат Раҳбарининг жорий йил 16-17 апрель кунлари Самарканд вилоятига ташрифи давомида берган топшириклари бўйича вазирлик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар муҳокама этилганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2021 йил 16 апрелдаги 43-сон мажлис баёнида ижро интизоми ҳамда хужжатлар билан ишлашда вазирлик ва унинг тизимида шу йилнинг 5 апрель ҳолатига (I чорак якуни билан) “Ijro.gov.uz” идораларо электрон тизим орқали 212 та топшириқ тушган бўлиб, унинг 38 таси (18%) муддатидан кечиктириб бажарилгани ҳамда 18 тасининг (8%) ижроси кечиктирилгани қаттиқ танқид қилинганлиги айтиб ўтилди.

Кун тартибидаги З масала юзасидан Пахтачилик бошқармаси бошлиғи А.Шамсиев ахбороти тингланди.

Қайд этилдики, Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш зарурати мавжуд.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолиятига оид ҳисоботлар, солик ва божхона имтиёzlари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёzlар берилган субъектлар, уларнинг якуний бенефициар (фойда оловчи) жисмоний шахслари, уларнинг тўлаган соликлари ва молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотлар, давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши, режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар, давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек, ушбу корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар тасарруфидаги енгил автомобиллар, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларига мулк ёки ижара хукукини электрон аукцион орқали сотиб олган шахслар тўғрисида маълумотлар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига ижара хукукини бериш бўйича очик танлов ғолиблари бўлган шахслар тўғрисида маълумотлар очик веб-саҳифаларда жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар акс эттирилганлиги келтириб ўтилди.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда таҳлиллар асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш бўйича доимий равишда таклифлар киритиб борилиши таъкидланди.

Шу билан бирга, Кенгаш аъзолари М.Тошболтаев, Ч.Латипов, А.Мансуровлар сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдиришди.

Бундан ташқари, техника фанлари доктори, профессор М.Тошболтаев Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолияти устидан

жамоатчилик назоратини амалга ошириш, унинг механизмларини янада такомиллаштириш, вазирлик фаолиятини очиқлиги ва шаффоғлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали хамкорликни янада ошириш максадида, вазирликнинг 2018 йил 10 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги 32-сонли буйругига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозимлигини таъкидлади.

Йиғилиш қарор қилади:

1. Мазкур Қишлоқ хўжалиги вазирлигига Давлат Раҳбари томонидан вазирликка юклатилган вазифалар ижроси юзасидан берилган ахборотлар маъқуллансин.

2. Жамоатчилик Кенгаши аъзолари томонидан ушбу масалага киритилган таклифлар инобатга олинниши вазирлик раҳбариятидан сўралсин.

Ушбу йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қабул қилинди. “Қаршилар” ва “Бетарафлар” бўлмади.

